Тошкент ҳақиқати

1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий- сиёсий газетаси

1992 йил 27 июнь • шанба

№ 98 (10.347). Баҳоси 2 сўм.

...ларгоб палатаси ...да Ўз ССР

16 июл 1992

• *Ўзбекистон—ХХР*

САФАР ТУГАДИ

20 июндан 25 июлгача Хунань вилояти делегацияси Тошкент вилоятида меҳмон бўлди. Делегация аъзолари Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатига бордилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқ қилиш билан боғлиқ меҳнат жамоаларида бўлдилар. Вилоят Ҳокими С. Д. Сайдалиев билан, вилоят Ҳокимлиги ходимлари, шаҳар ва районларнинг ҳокимлари билан дўстона суҳбатлар чоғида Хунань вилояти билан пойтахтимиз вилояти ўртасида иқтисодиёт ва савдони тараққий эттириш масалалари қизғин муҳокама қилинди.

Делегация раҳбари — Хунань вилояти халқ ҳукумати раисининг муовини Чэнь Биньфань ҳамкорлик тўғрисидаги расмий ҳужжатлар имзоланиш чоғида сўзлаган нутқида шуни таъкидладики, уларнинг вилояти мамнунлик билан ҳамкорликни кенгайтиради, ўзаро манфаатли маҳсулот айирбошлашни йўлга қўяди. Шу муносабат билан Хунанда импорт ва экспорт бўйича корпорация тижорат вакиллигини очиш имконияти бор.

Иккала томон имзолаган ҳужжатда «Ўзаро ахборот, тақчил молларни ўзаро манфаатлар асосида етказиб бериш» қоидалари бўйича иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида битимга келинди. Иккала томон чой, аммиак, пўлат ва бошқа моллар бўйича бартер савдосини амалга ошириш ниятидадирлар. Тўқимачилик, кулолчилик, шойи кийимлар ва буюмлар тайёрлаш, чой қадоқлаш ва қоғоз ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ҳоказолар бўйича қўшма корхоналар очилади.

Миллий турмуш билан яхшироқ танишиш мақсадида Тошкент вилоятида Хунань таомлари, Хунанда эса ўзбек таомлари ресторанларини очиш мўлжалланмоқда. Иккала томон иқтисодиёт, савдо, тиббиёт, фан ва техника, маданият ва таълим, спорт ва жисмоний тарбия, шунингдек, бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қардошларча муносабатларни йўлга қўйиш кераклигини таъкидладилар.

Имзоланган битимни рўёбга чиқариш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни биргаликда муҳокама қилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгилаб қўйилди.

Хунань вилояти раҳбарлари пойтахт вилояти ҳокимлигига хитойлик дўстлар ҳузурига меҳмон бўлиб боришни таклиф қилдилар.

Суратда: Тошкент вилояти Ҳокимлигида расмий ҳужжатларни имзолаш пайти.

В. ХАРИТОНОВ олган сурат.



ДЎСТЛАРНИНГ ТУҲФАСИ

Икки мустақил давлат раҳбарларининг Туркистон шаҳридаги учрашувида Президент Ислом Каримовга қадимий халқ одатига кўра от билан туя туҳфа қилинган эди. 25 июнь куни Тошкентда, Халқлар дўстлиги саройи ёнида туҳфани тантанали топшириш маросими бўлди.

... Оппоқ тулпор ётсираб, қулоқларини диккайтиради, атрофга олазарак қарайди. Бизнинг қорабайир зотидан бўлган Қозоқча жебе наслига мансуб олти яшар оқбўз Хўжа Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ диёрдан келтирилди. Дашт жониворн ўз атрофида шунча одам тўпланишига, ҳатто гуллар билан кутиб олинишига одатланмаган эди... Чиройли ёпқич билан безатилган бўталоқ ҳам ҳайрон бўлсада, пинагини бузмайди. Ҳайрон бўлиш менга ярашмайди, деб ҳисоблаётган бўлса ажаб эмас: минг йиллаб муқаддам унинг аждодлари Туркистондан Буюк Ипак йўли бўйлаб Чочга қатнар эди. Улар қўнғироқларини жиринглатиб неча куну тун чарчаш нималигини билмай йўл юрар эди. Мана бу бўталоқ эса автофургонда бир неча соат ичида бу йўлни осонгина босиб ўтди. Бу ерда дўстлик ва яхши қўшничилик ҳақида, анъаналарга садоқат ҳақида, қозоқ ва ўзбек халқлари кўп асрлар давомида дўстлик туфайли тарихимизнинг қийин даврларида бир-бирларига кўмаклашиб келганликлари ҳақида, келажак режалари ҳақида, ҳали истиқболда ҳамнафас бўлиб, кўп йўл босиб ўтилиши тўғрисида бир талай яхши сўзлар айтилди.

Қимматбаҳо туҳфа Тошкентдаги Республика отчопари ходимларига асраш учун топширилди.

(ЎзА мухбири).

ПОКИСТОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИ БОШ ВАЗИРИ МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти таклифига биноан Покистон Ислом Жумҳурияти Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги Покистон расмий делегацияси шу йилнинг 27 июнь куни Тошкентга келади.

Муҳаммад Навоз Шариф 1949 йил 25 декабрда Лаҳор шаҳрида туғилган. У Лаҳордаги нуфузли коллежни тугатганидан сўнг, Панжоб университетида ҳуқуқшунослик бўйича ихтисослашган.

М. Н. Шариф 1981 йилда сиёсий майдонга кириб келиб, аввало, Панжоб музофотида молия вазири, сўнг тўққиз йил давомида шу музофот ҳукуматининг етакчи вазири вазифасида ишлаган. 1990 йил 24 октябрда ўтказилган умумий сайловда Ислом демократик иттифоқи партиясининг номзоди бўлган М. Н. Шариф кўпчилик овоз олиб, ўша йилнинг 6 ноябридан Покистон Бош вазири лавозимида фаолиятини бошлади.

М. Н. Шариф бошчилигидаги Покистон ҳукумати ички ва ташқи сиёсатда муайян ютуқларга эришиб, Покистон халқи эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

М. Н. Шариф оилали, икки қиз ва икки ўғли бор.

Биз Покистон Ислом Жумҳурияти Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф жаноби олийларининг мустақил Ўзбекистон Республикасига биринчи расмий ташрифини муборакбод этиб, сафар чоғида имзоланадиган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Покистон давлатлари ва халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларда туб ўзгаришлар ясайди, деб умид қиламиз.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШГА ДОИР

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ШАФҚАТ АЛИ ШАЙХ



Шафқат Али Шайх 1942 йилда туғилган, иқтисодиёт ва стратегик тадқиқотлар соҳасида бир қанча илмий даражалар эгасидир. Покистон ташқи ишлар тизимига хизматга киргунига қадар 1967 йилдан бошлаб Лохурдаги ҳукумат коллежида иқтисодиётдан дарс берган.

Покистон Ташқи ишлар вазирлигида протокол бўлимида (1972-75) директор, (1975 ва 1983-84) ва бош директор (1986-87) бўлиб ишлади. 1984-85 йилларда миллий мудофаа курсларида иштирок этди, 1985-86 йилларда Равалпиндидаги миллий мудофаа коллежида ишлади.

Покистоннинг дипломатия ваколатхоналарида: 1969-71 йилларда Теҳронда, 1975-79 йилларда Киншасада ва 1980-82 йилларда Жазоирда турли лавозимларда ишлади. Гаагадаги (1987-89) ва Аккрадаги (1990-92) элчиси этиб тайинланди.

1992 йил июнида Покистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги биринчи элчиси этиб тайинланди.

Элчи Шафқат Али Шайх уйланган, учта фарзанди бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда шу йилнинг январь ойида талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеаларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш бўйича тузилган республика депутатлар комиссиясининг ахбороти тингланди.

Олий Кенгаш Раёсатининг ушбу масалага доир қарори матбуотда эълон қилинади.

ТУРКИСТОН:

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

● «ИРИСНИНГ БОШИ ДУСТЛИКДА»
● ЯССАВИЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ
● МЕҲР-ОҚИБАТ ТАФТИ

24 июнь. Чимкент шаҳри аэропорти Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Давлат байроқлари билан безатилган. Кутиш майдончасида қозоқ халқининг миллий анъанасига кўра мўътабар меҳмонлар шарафига иккита оқ ўтов тикилган. Сўл ёқда қозоқ янгалар қимиз-у қимронни шопириб, ўнг ёқда шўх сулувлар анвойи гуллардан дасталар танлаб, ҳаяжон билан қўшни Ўзбекистондан ташриф буюрадиган азиз меҳмонларни кутишмоқда. Қўбизларини созлаб ўланчи қизлар ҳарир либосларда ял-ял ёниб ўтиришибди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни кутиб олиш учун бу ерда ҳозир бўлган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевдан бўлажак учрашув ҳақида сўзлаб беришни илтимос қиламиз.—Биз,—дейди Президент, — тарихда биринчи марта Ўзбекистон мамлакати билан Қозоғистон мамлакати ўртасида воситачиларсиз шартнома имзоламоқчимиз. Мен қозоқ билан ўзбек халқи табиатида ҳеч қандай тафовут йўқ, деб ҳисоблайман. Улар тарихан битта халқдир, дастурхонимиз бир, одатларимиз бир, динимиз, дилимиз бир. Ўзбек қозоқни кўрса, «бовурим» деб қучоқ очади. Қозоқ ўзбекни кўрганда «ўз оғам»лаб пешвоз чиқади. Бугун мана шу туркий халқларнинг келажагини, меҳр-оқибатини ўйлаб, ўзаро кўмак, ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлган ҳужжатни имзоламоқчимиз. Шартнома улуғ аждодимиз, барча мўминмусулмонларнинг авлиё отаси Хўжа Аҳмад Яссавий макон топган қадамжо Туркистон шаҳрида имзоланади. Биз Ислом Каримов билан шу ерда учрашишни лозим топдик. Бизни аждодларимизнинг руҳи қўлласин, барча мушкулларимизнинг кушойишини берсин, деган улуғ ният билан ҳозир ўша ёққа йўл оламиз.

Ҳавода оппоқ умид қуши бўлиб тайёра кўринди. Мезбонлар азиз меҳмонларга ўлан айтиб пешвоз чиқишади. Туғишган оға-инилар қучоқ очиб омонлашдилар. «Бовурим Нурсултон Абишевич, омонмисиз», деди Ислом Каримов. «Хуш келибсизлар, Ислом оға», деб бағрига босди Назарбоев. Мезбонлар ҳурмат билан меҳмонларни оқ ўтовга бошлашди.

Қандай муқаддас анъаналаримиз бор! Ширинсухан мулозаматларимиз, иззат-ҳурмат, эътибор, ҳаммаҳаммаси самимий, чеҳралар очиқ. Икки халқ, умуман, қадим Турон фарзандлари ҳамиша бир-бирлари билан ана шундай меҳрли муносабатда бўлишган. Токи ана шундай одамийлик фазилатлари бор экан, тупроғимиздан барака, қалбимиздан имону эътиқод аримаслигига амин бўласан киши.

Халқларимиз оғир иқтисодий синовларни бошдан кечириб турган бугунги кунда ҳам ана шу муқаддас туйғуларимиз дилларимизга ором бағишлаб турибди. Ота-боболаримиз кўп синоатларни кўрган, сабр-тоқатли бўлишга, имонли-эътиқодли бўлишга ўргатиб келган ҳикматларнинг шарофати шу бўлса керак, эҳтимол.

Биз, қозоқ билан ўзбек бир-биримизни шундай қўллаб-қувватлайликки, — деди Ислом Каримов истиқболига пешвоз чиққан Туркистон аҳлига мурожаат қилар экан, — халқларимизнинг иноқ-иттифоқлиги барчага намуна бўлсин. Ўзбек қозоқ билан қудратли, қозоқ эса ўзбек билан ифтихорлидир. Қозоқ дўстларимизда «Ирисннинг боши дўстликда», деган ибратли мақол бор. Бу бараканинг боши дўстликда деган гап.

Туркистон. Бу маскаиинг номи қалбларга таскин, руҳимизга енгиллик бағишлайди. Кўчалар, майдонлар икки улкан халқнинг фидойи фарзандларини олқишлаш учун чиққан қонқардошларимиз билан тўлган. «Хуш келибсизлар», «Яссавий руҳи қўлласин», деган олқишлар янграйди. Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Яссавий мақбарасига қадам қўйишади. Улуғ аждодларимиз руҳига қуръон тиловат қилинади. Ўзбекистондан келган олий мартабали меҳмон туркистонлик дин арбобларига Тошкентда кўп минг нусхада чоп этилган Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги жилдларини туҳфа этиб, тўн кийдиради. Яссавий қабри зиёрат этилади. Шундан сўнг аҳли фуқаро кўз ўнгида мақбара пойида Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ўзаро ёрдам, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шу муносабат билан икки Республика Президентлари йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзладилар. Жумладан, Н. Назарбоев шундай деди: Ҳозиргина биз қадимда бир ота-онадан дунёга келган икки оға-ини халқ бундан кейин ўзаро ҳамкорликда, бири иккинчисига мадад бўлиб, зиммамиздаги барча масалаларни ечадиган ўта муҳим тарихий ҳужжатни сиз гувоҳ бўлиб турган авлиё отамиз мақбараси пойида имзоладик. Ушбу шартномани Тошкентда ҳам, Олмаотада ҳам расмийлаштиришимиз мумкин эди. Аммо биз ҳар икки томон учун ҳам маъқул бўлган, халқларимизнинг азиз қадамжоси Яссавий тупроғида шу ишни амалга ошираяпмиз. Бунинг рамзий томонлари бор. Аждодларимиз бунёд этган қадим Турон тупроғида бундан буён ҳам бирга бўламиз. Ушбу ҳужжатнинг тарихийлиги шундаки, жумҳуриятимизда мустақил давлат сиёсатига амал қилинар экан, халқларимиз бир-бирига дўст ва ҳамкор бўлиши керак.

Бозор муносабатларини қарор топтиришимизда, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришимизда, елкама-елка туриб, барча қийинчиликларни бартараф этишимизда фаол ҳамкорлик жуда ҳам зарурдир. Ўзбек халқининг фидойи фарзанди, қозоқ халқининг жонкуяр дўсти Ислом Каримов билан ана шу жиҳатларни келишиб олдик, деб таъкидлади Қозоғистон Президенти. Ҳақиқий дўстлик, деди у, бовурдошлигимиз янада мустаҳкамланиб, ривож олган сари ишларимиз самарали ва баракали бўлаверади. Чунки ҳамкорлик анъаналари халқларимиз ўртасида ўтмишда синалган. Фаробий, Навоий, Мухтор Авезов, Ойбек, барча улуғларимиз бир дарёдан сув ичиб, бир дастурхондан туз тотганлигининг ўзи ҳам бизга ўрнак бўлиши керак. Мен Ўзбекистонда барча қозоқ йўлдошларимизга шарт-шароитлар яратилганидан хабардорман. Бунинг учун қардошларимизга катта миннатдорчилик билдираман. Халқимизнинг «бирлик бўлмаса, тириклик бўлмайди» деган доно гапи бор. Биз шунинг учун ҳам боболаримиздан мадад олиб, ўгитларига қулоқ тутишимиз керак. Хўжа Аҳмад Яссавий руҳи қўлласин деб келганимизнинг ҳам боиси шу.

Шундан сўнг Ислом Каримов сўзга чиқиб, мазкур шартноманинг аҳамияти ҳақида гапирди. Биз сиз билан тарихий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз, бизгача ҳам аждодларимиз бир тан, бир жон бўлиб, оғирларини енгил қилишган. Барча мусулмонлар учун улуғ қадамжо Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси остонасида учрашаётганимиз ҳам бежиз эмас. Сизларга ўзбек жигарларингиз номидан самимий саломлар билан келдик.

Ислом дунёсининг тенгсиз ва беназир соҳибқирони Амир Темур бунёд эттирган Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ўтмишимиздан гувоҳлик бериб, виқор билан қад ростлаб турган бу замин бизга куч-қувват бағишлаб меҳр билан кутиб олганидан миннатдормиз. Қалбларимиздан қалбларимизга биродарлик, меҳр-оқибат тафти югургандек бўлди, деб сўзини давом эттирди Ўзбекистон Президенти. Мана шу улуғ қадамжода яратган эгамнинг ўзидан сўраб турибманки, шундай меҳр ҳар икки жумҳурият халқлари қалбига ҳам нурдай сингиб кетсин.

Бугун Қозоғистон билан Ўзбекистон осмонида мустақиллик офтоби порламоқда. Бу мустақиллик бошимизга абадий келгани рост бўлсин. Биз бугун мустақил давлат номидан, шу давлатнинг умумхалқ ишончини қозонган Президентлари сифатида ушбу ҳужжатга имзо чекдик. Биз орзу-умидлари муштарак халқмиз. Буюк ипак йўли бир бўлган. Қўшиққа чанқоқ дилимиз бир бўлган. Қоронғу ва ёруғ кунимиз бир бўлган. Қозоқ ўланида ўзбек оҳанги, ўзбек ёрёрида қозоқ оҳанглари садоланиб туради. Бундан буён ҳам ўз тақдиримизни, бахтимизни биргаликда яратамиз.

Бозор муносабатларига ўтишимизда ҳам муштарак ташвишларимиз оз эмас. Бир-биримизга керак эдик, ҳозир ҳам керакмиз ва керак бўламиз.

Турон заминидаги беш республика бир-биримизга ниҳоятда зарурмиз, ҳатто муҳтожмиз. Бизнинг келажагимиз, бахтимиз, толеимиз бундан буён қай даражада аҳил, иноқ, иттифоқ бўлиб яшашимизга боғлиқ.

Бизнинг бугунги учрашувимиз ва имзолаган шартномамиз шу аҳилликка қўйилган мустаҳкам пойдевор бўлади, деб умид қилишга асосимиз бор, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Ўзбекистонда салкам бир миллион қозоқ биродарларимиз, Қозоғистонда ҳам юз минглаб ўзбеклар яшайди. Ҳар икки жумҳуриятда қўшни миллат вакилларининг маданият марказлари тузилган. Қозоқ ва ўзбек тилларида газеталар чоп этилмоқда, телевидение кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари йўлга қўйилган. Тошкент давлат педагогика институтида қозоқ тили мутахассислари тайёрланади. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларидаги 500 дан ортиқ мактабда 130 минг қозоқ фарзанди таҳсил олмоқда. Томди районида иш қозоқ тилида юритилмоқда.

Бундан буён иқтисодий соҳада, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли молларини етказиб беришга киришишимиз керак.

Ўзбекистон Президенти ушбу масалалар ҳақида тўхталиб, менинг катта орзуим, шундай ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни амалга оширайликки, ҳавас қилса арзигулик бўлсин, деди. Орол муаммоси бизнинг умумий ишимиз. Транспорт, юк ташиш, мудофаа, яйловлардан фойдаланиш, ғалла, пахта, чорвачиликка оид масалалар ҳам борки, уларни ўзаро ишонч, ҳамкорлик руҳида ҳал этишимиз керак. Мана шу улуғ мақсадларни амалга оширишимизда бизга боболаримиз руҳи мададкор бўлсин.

Шундан сўнг икки давлат раҳбарлари бир-бирларига сарполар кийдиришди. Туркистонлик қариялар халқнинг икки суюкли фарзандига бирлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли бўлган оқ тулпорларни тортиқ қилишди.

Самимий ва самарали ўтган шартномани имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Ўктам МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.
Чимкент—Туркистон — Тошкент.

Журналистлар уюшмасининг мукофотлари

Ўзбекистон Республикаси журналистлар уюшмаси жумҳурият танлови ҳакамлари таклифини кўриб чиқиб, **қарор қилади:**

Йилнинг энг яхши журналистика асарлари учун танлов бўйича Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг лауреати нишони билан бирга дипломи қуйидаги ўртоқларга берилсин:

Аҳророва Холида — журналистика фахрийси. Шахсга сиғиниш йилларида қатағон қилинган журналистлар фаолиятига бағишланган туркум мақолалари учун.

Раҳмонов Расул — «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири. Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ижтимоий-иқтисодий ва маданият мавзуидаги мақолалари туркуми учун.

Убайдуллаев Шароф — Президент девонининг масъул ходими. Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ижтимоий-иқтисодий ва маданият мавзуидаги мақолалари туркуми учун.

Усмонова Маҳфуза — Фарғона вилояти «Олтин водий» газетаси мухбири. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини теран таҳлил қилиб, матбуотда ёритганлиги учун.

Салимов Шоқаҳҳор — «Овози тожик» газетасининг бўлим мудири. Маънавий қадриятлар тикланаётгани ҳақидаги туркум мақолалари учун.

Арслонова Жамила — Тошкент вилоятидаги Зангиота райони «Истиқбол» газетаси бўлим мудири. Район газетасида эълон қилинган публицистик мақолалари туркуми учун.

Садриддинов Сабриддин — Ўзбекистон радиосининг катта муҳаррири. Ёшлар ҳаётига бағишланган радиоочерклар туркуми учун.

Султонов Самижон, Сатторов Ҳакимжон — «Ишонч» ва «Халқ сўзи» газеталарининг ўз мухбирлари. Ўзбекистон ишчилари ҳаётига бағишланган туркум мақолалари учун.

Ҳакимов Қўзижон — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси режиссёри. Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ижтимоий-иқтисодий ва маданият мавзуидаги кўрсатувлари туркуми учун.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Фахрий дипломлари қуйидаги ўртоқларга берилсин:

Музаффаров Воиз — Журналистика фахрийси.

Суфиев Қосимжон — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси катта муҳаррири.

Жидков Владимир Антонович — «Самарқандский вестник» газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Жўрабоев Холиқназар — Фарғона вилояти Олтиариқ райони «Давр овози» газетаси бўлимининг мудири.

Нодиров Илья Атауллаевич — «Хорезмская правда» газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Худойберганов Комил — Хоразм вилояти Боғот райони «Ҳуррият» газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Исроилов Абдурашид — Ўзбекистон радиосининг катта муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ ОҚЛАНДИ

Республика Олий судининг 1992 йил 19 июндаги пленумида республика Олий суди раисининг раддиясига кўра республика Вазирлар Маҳкамасининг собиқ раиси Н. Ж. Худойбердиевга дахлдор жиноят иши кўрилиб, унинг ҳаракатида жиноий воқеа бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон жиноят процессуал кодексининг 5-моддаси 1-бандига асосан Н. Ж. Худойбердиев оқланди.

● *Турли касб эгалари*

ТАНДИРЧИЛАР

ТАНДИРЧИЛИК устахонасини топиш қийин бўлмади. Ичкарига кирдик. Тўладан келган, норғул йигитлар ишловдан чиққан тандирлар ичига қипиқ ёқишаётган экан. Тандир шундай йўл билан қуритилади, дейишди улар. Бу йил баҳорнинг анча салқин келганлиги тандирчиларга ҳам ноқулай бўлди. Мураббий уста Хурсандбой Пўлатов қўли билан тандирни оҳиста айлантириб, синчковлик билан текширар экан, шундай деди:

— Фарғонанинг Бувайдасиданмиз. Ёшлигимдан шу касб билан шуғулланиб келаман. Ота мерос бизга. Мана бир неча йилдирки Олмалиқ шаҳри ва Оҳангарон ноҳияси аҳолисига тандирлар ясаб бераяпмиз. Худога минг қатла шукурки, ҳали бирор кимса тандирларингиз ёрилиб кетди, деб келгани йўқ.

Тандирчилар уч киши. Ҳаммаси Бувайданинг Таррачи қишлоғидан. Хурсандбой билан бирга Маҳмуджон Мамадалиев ва Ўктамжон Пўлатовлар ҳам тандир ясашяпти. Ўтган йили 500 дан зиёд тандир тайёрлашди. Тандирлар қиммат эмас, юз сўмга бормайди. Фарғоналик бу моҳир қўлли йигитлар бозор иқтисодини ҳақиқий тушунганларидан, тандирни савдолашиб олсангиз ҳам бўлаверади. Фақат икки томон рози бўлиши керак.

Лекин уларнинг меҳнати анча оғирлигини дарров пайқаб оласан. Оддий лой ва чиқинди каноп толасидан битта тандир ясаш қанчалик машаққатли эканлигини билиш учун уларнинг ишини бироз кузатиш кифоя. Ахир куну тун лой билан ишлаш осон эмас. Тандир учун ҳар қандай тупроқ ҳам ярайвермайди. Тупроқни эса Оққўрғондан келтиришаяпти. Бир машинаси 1000—1200 сўмга тушаяпти. Тандир лойига қўшиладиган каноп ҳам анча туради. Ҳозирги нарх-наво ниҳоятда баланд бўлиб кетган шароитда тандир нархи анча арзонга ўхшайди. Лекин тандирчилар инсоф сари барака, деб уни оширишни ўйламаяптилар.

— Э, мулла ака, нима қиламиз халқни қийнаб,—дейди Х. Пўлатов.— Бусиз ҳам улар қийналиб ётишибдику. Фақат бизга раҳмат айтишса, бўрсилдоқ нон ёпиб еганда бизни эслаб қўйишса бас. Бизга шунинг ўзи етади...

Суҳбатимиз устига навбатдаги ҳаридор келиб қолди.

— Қўни-қўшниларим шу ердан тандир олишиб, жуда хурсанд бўлишди. Шунинг учун уйда кунимизга яраб турган тандир бўлса ҳам биттасини олиб қўяй, деб келдик, — деди харидор.

Хурсандбой мақтовдан бироз ўзини ноқулай сезиб, ич-ичидан хурсанд бўлса ҳам, босиқлик билан деди:

— Сўзларингиз учун раҳмат. Марҳамат, истаганингизни олаверинг, буёғига биз кафил. Сиз уринманг машинангизга ўзимиз ортиб берамиз.

Бу харидор ҳам тандирчиларнинг хушмуомалалигидан, сифатли тандир харид қилганидан хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Бу ерда ҳар куни шундай.

О. ХУШНАЗАРЗОДА.

Аёл — бу яратувчи, жаҳонни тебратувчи, яъни жаҳон бешиги соҳиби, авлодлар боши ҳамда муниса бир зотки — инсоният таъзим ила унинг ҳукми ва меҳрига мунтазирдир. Меҳр ҳам, шодлик ва муҳаббат ҳам, садоқат ва вафо ҳам — ҳаммаси мужассам бу олий зотда!

Аёлга бош эгиб, ўзлигини танимаган, ўзининг кимлигини ҳис қилмаган инсон борми бу дунёда?

Улар ҳақида фикр-мулоҳаза юритар эканмиз, аёлларнинг иффати ва ибоси ҳақида алоҳида тўхталишни истаймиз. Мавлоно Алишер Навоий дебдиларки, иффат ила ибоси йўқ ёки бу тушунчани унутган хотунлар, қизлар жаҳон устуни, унинг бешигини тебратувчи бўла олмайдилар, улар ҳаёт давомчиси эмас, балки алдоқчи-ўйинчоқлардир.

Қанчалик кескин ва топиб айтилган бу сўзлар, бизнинг муҳтарама аёлларимиз учун.

Қуръони каримда ёзиб қўйилган: Заифалар (хотунлар, қизлар) уй юмушлари билан машғул бўлиб, бола тарбиясида ҳам эрларига кўмак бермоқлари зарур. Замона зайли билан аёлларимиз елкасига керагидан ортиқча юк-ташвиш ортдикки, на баъзан рўзғорга, на болаларга, улар тарбиясига етишади муниса-ларимиз. Яна биз улардан иффат ва ибони талаб қиляпмиз!

Шу ўринда қондош Туркияга бир назар солайлик. Аёллар деярли номози пешингача давлат ишлари билан машғул бўлиб, сўнгра уй-рўзғор, бола-чақа билан овунади, ўзларининг назокат ҳамда ибо-иффатлари билан шуғулланишар экан. Тўғри, биз ҳозир бундай қила олмаймиз, бироқ йиллар ўтиб аёлларимизга шундай муносабатда бўлмаслик, ўзлигимизни, қолаверса, миллатимизни оёқ ости қиламиз. Бу борада жиддий ўйлашимиз керак. Ваҳоланки, миллат қиёфаси, унинг наслнасаби аёлларимиз иффати, ибосидан, садоқатию ва муҳаббатидан бошланади.

Ҳозирги мустақиллигимиз тетапоя бўла бошлаган бир пайтда атрофга ақл кўзи билан қарайлик, чуқур ва фалсафий мушоҳада юритайлик: рўзномалар дўконларида қип-яланғоч ҳолда «СПИД» газетаси сотилади — режа учун; ойнаи-жаҳонда — «Кичик Вера»лардан минг карра баттар фильмлар намойиш қилинади — тижорат учун; баъзи рўзномаларда шаҳвоний ҳис ҳақида, енгилтак аёлларимиз тўғрисида очиқ-ойдин ёзишади — шов-шув учун ва ҳоказо.

ИФФАТЛИМИ ЁКИ ИБОЛИ?

Мен бу ўринда юқоридаги ташвиқот ва тарғиботга минг чандон қарши бўлган ҳолда, оддий ўзбек аёли учун не зарурлигини қуйидагича тасаввур қилар эдим: биринчидан, ҳазрат Мир Алишер Навоий айтмоқчи: иффатли ва иболи аёл — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг ҳотиржам ва осойишталиги ундан. Аёл ҳуснли бўлса — кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради;

иккинчидан, аёлларимиз энг аввало уй, оила бекаси. Оиласини унутган, енгил-елпи ҳаёт кечирган аёлнинг келажаги йўқ! Ундай аёл ҳақида гап кетса ибо ва иффат тўғрисида ўйламаса ҳам бўлади;

учинчидан, дини ислом-да аёл ишламасин дейилмаган. Динни ҳурмат қил, эъзозла, айни пайтда меҳнат қилиш — бу ҳаётни давом эттириш демакдир. Яъни аёлларимиз учун 7—8 соат эмас, балки 5—6 соатлик муҳлат иш кунини жорий қилиш муаммоси аллақачон етилган;

тўртинчидан, биз эркаклар аёлларимизнинг тарихий ўтмишдошларига бир назар солайлик, она Тўмарис, гўзал Бибихоним, зукко Зебуннисо, ҳассос шоиралар Увайсий, Нодирабегим, Маҳзуна ойимлар, мард Кубонжон додҳо, зийрак Кенагасхоним, мунис Анбар отинлар каби жасур ва комила, иболи ва иффатли аёлларимизга таъзим ила, ҳозирги республикамиздаги опа-сингилларимиз тақдирлари ҳам порлоқ ҳамда истиқболли бўлиши учун зарурий чора-тадбирларга бефарқ қарамаслигимиз керак.

Қисқаси, аёлларимиз, илмли, тарбияли, тадбиркор, иродали, оилапарвар, болажон бўлсагина, жамият тетик ҳамда келажаги порлоқдир.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ҲАЙДОВЧИЛАР!

Ҳурматли муҳарририят! Ҳайдовчиларга ўзлари истиқомат қилаётган шаҳар ва районлар давлат автомобиль назоратларидан огоҳлантириш талонлари берилмоқда. Илгари ҳам бундай талонлар бўлар эди, кейин улар йўқ қилинди. Энди эса яна тикланяпти. Бунинг сабаби нима? Шу ҳақда батафсилроқ тушунча берсангиз. Айрим ҳайдовчилар йўл қоидасини бузганларга жазо чоралари кучайтирилган дейишади. Шу тўғрими?

Ш. МИРЗАЕВ,
ҳайдовчи,
Бўстонлиқ райони.

Дарҳақиқат, шу кунларда ҳайдовчиларга огоҳлантириш талонлари берилмоқда. Илгари ҳам мавжуд бўлган ана шундай талонлар кейинги йилларда бекор қилинган эди, аммо бу тартиб ўзини оқламади. Ҳаёт огоҳлантириш талонлари зарурлигини тақозо этди. Чунки йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳоллари кўпайса кўпайдики, камаймади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясига масала киритилиб, «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Қонунга кўра, республикамизнинг 1985 йил 13 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритилди, у янги моддалар билан тўлдирилди. Масалан, 130-2-модда, кўзгусимон, шунингдек тегишли давлат стандартларида белгиланган нормаларни бузган ҳолда, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш — фуқароларга 30 сўмдан 50 сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади. Худди шу ҳатти-ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса ҳайдовчи 3 ойдан бир йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

130-модда фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, шунингдек номер белгилари ўзбошимчалик билан ечиб олинган ёки ясама, ё бўлмаса номер белгилари ўзга усулларда ўзгартирилган транспорт воситаларини бошқариш — 300 сўмдан 600 сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга олиб келади.

131-моддага кўра транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг таъқиқловчи ишораларига бўйсинмаслиги, пиёдалар йўлкасидан ҳаракат қилиши, устунлик берувчи, таъқиқловчи ва кўрсатма берувчи йўл белгиларига, йўлнинг ҳаракат қисми чизиқларига, ҳаракатни ўтказиб юборишни кўрсатувчи белгиларга риоя этмаслиги, одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, жамоат транспорти тўхтайдиган бекатлар ёки пиёдалар ўтиш жойларидан қоидаларни, сутканинг қоронғу даврида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши — огоҳлантиришга, ёки 30 сўмдан 50 сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни бир йил мобайнида такрор содир этиш — юз сўм миқдорида жарима солинишига ва йўл ҳаракати қоидаларини билиш-билмаслигини имтиҳон қилиш учун юборишга олиб келади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидабузарликларнинг учтасини бир йил мобайнида содир этиш, шунингдек, авария ҳолати юзага келишига олиб борган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликнинг йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизликлари, ё бўлмаса бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи қоидабузарликларни содир этиш 200 сўм миқдорида жарима солинишига ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этилишига олиб келади.

133-моддага мувофиқ ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини спиртли ичимликдан, наркотик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариши минг сўмдан икки минг сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки бир йилдан уч йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилишига сабаб бўлади. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга эса икки минг сўм миқдорда жарима солинади.

Спиртли ичимликдан, наркотик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириши икки минг сўм миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг хилланиши ҳамда ҳисобга олинишини такомиллаштириш мақсадида республика ҳудудида ҳайдовчилик гувоҳномасининг янгича талони жорий этилди.

Ўзбек тилида тепасига «Ўзбекистон Республикаси» деб ёзилган янги нусхадаги талонлар 1 июнгача берилиб бўлиниши керак эди. (Фуқароларнинг талабларини қондириш мақсадида бу муддат 1 июлга қадар узайтирилди).

Янги огоҳлантириш талонини олиш учун паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ўқиган вақтда берилган имтиҳон варақаси (ҳайдовчининг шахсий варақаси) ва 10 сўмга чипта олиб фуқароларнинг яшаш жойидаги Давлат автомобиль назорати бўлинмаларига мурожаат қилишлари керак.

Азизхўжа ИНОЯТОВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги ИИБ ДАН Бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция майори.

«ДАМАЧИ»-ЛИКЛАР—ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

«Дамачи» балиқчилик хўжалиги жамоаси ҳозирги иқтисодий қийин шароитларда тобора қашшоқлашиб бораётган эл дастурхонини баҳоли қудрат безашга ҳисса қўшишга астойдил интилмоқда. Бу йил сув ҳавзаларида иложи борича кўпроқ балиқ етиштириш учун барча имкониятлар ишга солиняпти, балиқларни етиштиришни тезлаштириш усуллари қўлланмоқда.

Ҳавзаларга қўйиб юборилган балиқ ивилдириқлари катталашиб, ҳар бирининг вазни икки юз граммга етди. Балиқчиларнинг айтишича, август ойидан бошлаб уларни савдо шаҳобчаларига етказиб беришга киришилади. Ҳар гектар ҳавзадан ками билан 43 центнердан ҳосил олиш назарда тутиляпти.

Эл дастурхонига етказиб бериладиган жами маҳсулот ҳажмини бир минг бир юз тоннага етказишга аҳд қилган хўжалик балиқчилари овлаш мавсумига фаол тайёргарлик кўришяпти. Дудлаш цехи ва бошқа шу каби ёрдамчи бўлинмалар тахт қилинмоқда. Бу йил олдинги йиллардагидан анча кўп дудланган балиқ тайёрланади. Бу хўжалик жамоасига қўшимча даромад келтиради, харидорлар учун қулайлик туғдиради.

М. МАҲМУДОВ.

27 июнь, 1992 йил ● № 98 (10.347). — Тошкент ҳақиқати — 5-бет

Қидирилг

• Тарихимизга бир назар

ДУКЧИ ЭШОНИ ЭНДИ БИЛАЯМИЗ

ТОШКЕНТ Давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультети учинчи курсида таълим олаётганимда ёш адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев бизга ўзбек мумтоз адабиётининг XIX аср охири XX аср бошларига тааллуқли намуналаридан маърузалар ўқиганди. Бизлар бу дарсларнинг бирортасини қолдирмасдан тинглаб борганмиз. Чунки унда нафақат Фурқат ёки Муқимий ижоди ва фаолияти, балки ўша давр тарихи ҳамда бизга номаълум бўлган маълумотлар, демократик шоирларга янгича давр нуқтаи назаридан баҳо бериш, шуниндек, Чор Русияси босқинчилари ўтказган сиёсатнинг оқибатлари билан ҳам батафсил таништиришганди. Эҳтимол, ана шу онларда ўзбек мумтоз адабиётининг Ватан ва миллат тарихига бевосита боғлиқлигини, айниқса, халқ қўзғолонлари ва йўлбошчилари беҳудага юзага келмаслигини, улар меҳнат аҳлининг сабр-косаси тўлганидан сўнг қалбдан отилиб чиққанини ниҳоларимиз англангандирмиз. Оқибатимизга муҳрланган коммунистик мафкурачининг машъум тингини муайян даражада синдиришда ҳам сабоқлар тугаб, синов ва имтиҳонларни ҳам топширидик.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1991 йилги сонларидан бирида домламиз Ш. Ризаев ҳамда филология фанлари номзоди У. Долимов, С. Аҳмедовлар ҳамкорликда нашрга тайёрланган Фозилбек Отабек ўғлининг «ДУКЧИ ЭШОН ВОҚЕАСИ» рисоласини ўқиб қолдим. Шундан сўнг мен Шуҳрат РИЗАЕВ билан бу тарихий асар юзасидан суҳбатлашишга аҳд қилдим.

— Шуҳрат ака, сизларда «Дукчи эшон воқеаси» асарини нашрга тайёрлаш фикри қандай туғилди?

— Туркистоннинг Чор Русияси томонидан истило қилиниши даври — менинг илмий изланиш ва тадқиқот олиб бориш манбаларимдан биридир. 1985 йилдан кейин матбуот саҳифаларида Туркистоннинг бу даврига оид турли мақолалар эълон қилинди. Хусусан, «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш» ва «Ёшлик» журналлари, «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетаси бу борада самарали фаолият кўрсатди. Албатта, бу мақолалар тарихий манбаларга асосланган. Лекин мунтазирларда ана шу манбаларнинг ўзидан бевосита хабардор эмасдирлар. Бир куни қамқасбим Улуғбек Долимов билан Дукчи эшон ҳақида суҳбатлашиб қолдик. У киши Фозилбек Отабек ўғлининг 1927 йили Ўзбекистон Давлат нашриётида чоп этилган «Дукчи Эшон воқеаси» китоби борлигини, уни ўқиб жуда қаттиқ таъсирланганлигини ҳамда ўшанда хотирасида қолган даҳшатли таассуротларни кейинчалик қўшимча манбалар, хабарлар, турли одамларнинг эсдаликлари билан бойитиб китоб ҳолига келтирган. Бу тарихий асар шу воқеанинггина эмас, балки XIX аср иккинчи ярмида ёзилган кўплаб асарларнинг моҳиятини ҳам очишга ёрдам беради. Масалан, кейинги пайтгача «Ҳажви Ҳалифа Минтепа», «Ҳажви Ёнчи эшон» каби Муқимий ва Завқий қаламига мансуб шеърларда ҳамда шу воқеалар тарихига оид совет даври илмий-педагогик манбаларида Дукчи эшон қўзғолонига салбий муносабат билдириб келинган. Ўқийман. Икки йилдирки, мазкур китоб истиқлод тарихи билан бошланадиган илк дарсларимнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Назаримда, талабаларнинг шу давр ўрис босқини ҳақидаги тушунчалари бироз бўлса-да кенгайди. «Дукчи эшон воқеаси» бўзуқ мафкурамиз туфайли пайдо бўлган кемтикни бироз бўлса-да қоплади.

Фозилбек Отабек ўғли асли андижонлик бўлиб, мазкур воқеалар содир бўлганида ўрис-тузем мактабида ўқирди. Ўзининг тузоҳлик бернишча, мажбурлаб, олиб чиқилган маҳаллий халқ вакиллари қаторидан улар эшон ва унинг шеърларини қатл этилишини кўрган ҳамда ўшанда хотирасида қолган даҳшатли таассуротларни кейинчалик қўшимча манбалар, хабарлар, турли одамларнинг эсдаликлари билан бойитиб китоб ҳолига келтирган. Бу тарихий асар шу воқеанинггина эмас, балки XIX аср иккинчи ярмида ёзилган кўплаб асарларнинг моҳиятини ҳам очишга ёрдам беради. Масалан, кейинги пайтгача «Ҳажви Ҳалифа Минтепа», «Ҳажви Ёнчи эшон» каби Муқимий ва Завқий қаламига мансуб шеърларда ҳамда шу воқеалар тарихига оид совет даври илмий-педагогик манбаларида Дукчи эшон қўзғолонига салбий муносабат билдириб келинган. Шаҳарга тушсалар, ҳамма фуқарони ўрнидан туриб, энгашиб салом қилмоққа ўргатасан! Дўкондор ва растадагилар бўлса, ҳаммаси бўлсин. Ҳоким, пристав, ҳосил, қайси амалдор бўлса-бўлсин. Эски шаҳарга тушса ҳаммалари дўконларининг олдига тушиб, қатор бўлиб, энгашиб салом қилиб турсинлар. Муллалар ва мударрислар бўлса шогирдларига Дукчи эшондан шикоят қилиб, уни ёмонлаб турсинлар ва мактабдорлар бўлса майда болаларга: «Эшон осий бўлди, боғий бўлди» деган гапларни ўргатсинлар!» Аълам муфтилар бўлса, «Янчи эшоннинг осий, боғий бўлғони учун тезлан ўлим жазосига мустаҳиқ бўлмоғи шариатда дуруст», деб фатво берсинлар! АДИБ ВА ШОИРЛАР ЯНЧИ ЭШОННИНГ ТАМОМ ҚИЛИҒОН ЁМОНЛИҒИ ВА ҲИЙЛАЛАРИНИ ШЕЪР (БАЙТ) ҚИЛИБ ГАЗИТГА ЮБОРСИНЛАР! АГАР КИМ БУ ХУСУСДА ҚИЛҒОН СИЁСАТ ЖАБРИДАН АРЗ ҚИЛСА, БИЗ У АРИЗАЧИНИНГ ЎЗИГА ЖАЗО БЕРАМИЗ!» деб қўлига приказ ва мандат қилиб берилди...»

Фақатгина 1970 йилларнинг охирида шоир Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърий романида, Бегали Қосимов ва Ҳамид Зиёев каби олимларнинг айрим илмий ишларида Дукчи эшон исёнига қисман ҲАҚҚОНИЙ МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛГАН. Бироқ бу муносабатлар расман эътироф этилган эмас. 1985 йилдан сўнггина БУ ҚЎЗҒОЛОН МОҲИЯТАН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ ЭКАНЛИГИ, ЧОР ИСТИВДОДИ ЗУЛМИГА ҚАРШИ МАҲАЛЛИЙ ХАЛҚНИНГ МУҲАММАД АЛИ ҲАЛИФА (ДУКЧИ ЭКИ ЯНЧИ ЭШОН) БОШЧИЛИГИДАГИ ИСЁНИ СИФАТИДА ТЎҒРИ БАҲОЛАНДИ. Шу йўналишда Фозилбек Отабек ўғлининг мазкур китоби муҳим аҳамият касб этади. Худди шуни англаган ҳолда биз яна бир муаллиф Сирожиддин Аҳмад билан ҳамкорликда «Дукчи эшон воқеасини» нашрга тайёрладик. Буни «Шарқ юлдузи» журнали муҳарририяти ҳам қизғин қўллаб-қувватлади.

— Бу тарихий асар билан таништирар экансан, бор-йўғи 23 тагина ўрис аскарининг ўлдиргани учун...

— Ҳа-ҳа, фақатгина 23 тагина ўрис аскари учун. Босқинчиларга бу бир баҳона бўлган, холос. Аслида ҳам улар туркий халқларни қандай бўлмасин қўрқувда ва ҳадиқда сақлаш режасини тузишаётганди. Мингтепада рўй берган қўзғолон эса мана шу режани амалга оширди, маромига етказишда ниҳоятда қўл келди. Босқинчилар исённи разилона бостирдилар. ҲОЛБУКИ, ҚЎЗҒОЛОН МАҲАЛЛИЙ ХАЛҚНИНГ РУС БОСҚИНЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ХЎРЛАНИШИ, АЗОБЛАНИШИ, ИНСОНИЙ ҒУРУРИНИНГ ТОПТАЛИШИ, ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ИСТИҚОМАТ ҚИЛГАН ЖОЙЛАРГА ЎРИС МУЖИКЛАРИНИНГ КЎЧИБ КЕЛИШИ, МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ОЁҚ-ОСТИ ҚИЛИНИШИ, ЧОР-АТРОФ БОЛШИКЛАРИНИНГ ТАЛАНИШИ, БУТХОНА ВА ЧЎҚҚАХОНАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ КАБИЛАРГА ҚАРШИ ХАЛҚНИНГ БИЛДИРГАН ТАБИИЙ НОРОЗИЛИГИ ЭДИ. ЎРИС МУСТАБИДЛАР ЎЗЛАРИНИНГ ҚАБИҲ НИЯТЛАРИНИ ОДАМЛАРНИНГ ЖУРЪАТИНИ ИЎҚОТИШДАН БОШЛАДИЛАР. Ўша кезлар «Туркистон вилояти газети»нинг бош муҳаррири бўлган Николай Остроумов каби мустамлака мафкураси идеологлари эса бу ёвуз ниятларни юқорида таъкидлаганимиздек Муқимий, Завқий каби шоирлар орқали ҳам амалга оширдилар. Биз мазкурфатсиз авлодлар эса Муқимийдек шоир шундай дебдими, демак, рост экан дея енгил ўйлаб юрибмиз. Энди маълум



давр Туркистоннинг миллий ҳаётидаги барча жабҳаларда фавқулодда юксалиш даври бўлди ва Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Сиддиқий-Ажзий, Ҳожимўйин, Файзулла Хўжаев, Мустафо Чўқай, Турор Рисқулов, Убайдуллахўжа Асадуллаҳўжаев, Абдулла Авлоний, Саидносир Миржалолов каби шахсларни майдонга келтирди. Бу том маънода ўзбек миллий тафаккурининг янги — УИҒОНИШ ДАВРИ ЭДИ. АГАР ЎША ПАЙТДАГИ ЖАРАЁНЛАР, ДУНЁҚАРАШЛАР ДАВОМ ЭТИБ, ОРАДА 70 ЙИЛЛИК УЗИЛИШ БЎЛМАГАНДА ЖАДИД-ЗИЁЛИЛАР ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИ, УНИНГ ИЧКИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРГАН ҲАМДА ЖАҲОННИНГ ЭНГ ИЛҒОР МАМЛАКАТЛАРИ ҚАТОРИГА ҚЎТАРА ОЛГАН БЎЛАРДИЛАР. Эҳтимол, ҳозирги «йўлсизлик, сарсонликларимизнинг» асл сабабчиларини ўша пайтлардан излаш мумкиндир.

— Менимча, «Дукчи эшон воқеаси»гача ҳам тарихий асарларга мурожаат қилганмисиз?

— Албатта. Ойбек уй-музейида катта илмий ходим бўлиб ишлаб юрган пайтимда жадидчилик даврига оид материаллар билан қизиқиб юрардим. Ойбек домланинг ўзи ҳам жадидчиларнинг кенжа давомчиларидан десам, янглишмасман. Ўша жойдаги жуда кўп бирламчи манбалар мени чигал, нотўғри баҳолаб келинган ҳодисалар билан шуғўхала талқинларга суяниб эмас, асли билан таништиришга мушоҳада этишга, миллат фидойилари ҳақида кенгроқ изланишга ундади. Шу кезлари иттифоқ жадидларининг улкан вакилларидан бири Абдулла Авлоний уй-музейини ташкил этишда иштирок этишимга тўғри келди. Бу ҳам илмий фаолиятимнинг жадидчилик томон бурилишига туртки берди. Ҳозирги пайтда жадидчилик ҳаракати ва адабиёти ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. XIX аср ва XX аср оралиғидаги 30-35 йиллик давр Туркистонининг миллий ҳаётидаги барча жабҳаларда фавқулодда юксалиш даври бўлди ва Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Сиддиқий-Ажзий, Ҳожимўйин, Файзулла Хўжаев, Мустафо Чўқай, Турор Рисқулов, Убайдуллахўжа Асадуллаҳўжаев, Абдулла Авлоний, Саидносир Миржалолов каби шахсларни майдонга келтирди. Бу том маънода ўзбек миллий тафаккурининг янги — УИҒОНИШ ДАВРИ ЭДИ. АГАР ЎША ПАЙТДАГИ ЖАРАЁНЛАР, ДУНЁҚАРАШЛАР ДАВОМ ЭТИБ, ОРАДА 70 ЙИЛЛИК УЗИЛИШ БЎЛМАГАНДА ЖАДИД-ЗИЁЛИЛАР ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИ, УНИНГ ИЧКИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРГАН ҲАМДА ЖАҲОННИНГ ЭНГ ИЛҒОР МАМЛАКАТЛАРИ ҚАТОРИГА ҚЎТАРА ОЛГАН БЎЛАРДИЛАР. Эҳтимол, ҳозирги «йўлсизлик, сарсонликларимизнинг» асл сабабчиларини ўша пайтлардан излаш мумкиндир.

— Шуҳрат ака, «Дукчи эшон воқеаси»гача ҳам тарихий асарларга мурожаат қилганмисиз?

— Албатта. Ойбек уй-музейида катта илмий ходим бўлиб ишлаб юрган пайтимда жадидчилик даврига оид материаллар билан қизиқиб юрардим. Ойбек домланинг ўзи ҳам жадидчиларнинг кенжа давомчиларидан десам, янглишмасман. Ўша жойдаги жуда кўп бирламчи манбалар мени чигал, нотўғри баҳолаб келинган ҳодисалар билан шуғўхала талқинларга суяниб эмас, асли билан таништиришга мушоҳада этишга, миллат фидойилари ҳақида кенгроқ изланишга ундади. Шу кезлари иттифоқ жадидларининг улкан вакилларидан бири Абдулла Авлоний уй-музейини ташкил этишда иштирок этишимга тўғри келди. Бу ҳам илмий фаолиятимнинг жадидчилик томон бурилишига туртки берди. Ҳозирги пайтда жадидчилик ҳаракати ва адабиёти ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. XIX аср ва XX аср оралиғидаги 30-35 йиллик

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, филология фанлари доктори.

БАЙҲАҚИЙ–МИРЗО ВА ТАРИХЧИ

СУЛТОН МАСЪУД аъёнлари, лашкарбошилар, ўз томонига ўтган Ҳирот зодагонлари билан муҳташам саройда ўтиришганди. Мулозимлар шаҳарнинг олдинги Хос Ҳожиби Али ўз одамлари билан келганлигини айтишди. Султон киришга ижозат этди. Али хизматкорлари билан ичкарига ташриф буюриб, таъзим қилди, ер ўпди, султон этагини юзкўзларига суртди; унинг оёғига икки халта олтин тангаларни нисор этди. Масъуд ҳам меҳмонга керагидан ортиқ илтифот қилди: ўнг қўлидан — юқоридан шоҳона курси кўрсатди. Қизғин суҳбат, знёфатлардан сўнг Али кетишга ижозат сўради. Султон ишораси билан уни кузатиб чиқилар. Ҳовлида эса катта изҳиҳом ичидан икки киши келиб Алининг қўлларини орқасига қайирди, учинчиси либосларини еди ва гардиндан босиб туриб, калласи ни олиб ташлади. Ўзининг қаттол муҳлифи ҳузурига инъом-эҳсон келтирган ҳар бир кишининг тақдири шундай бўлади. XI асрнинг машҳур мирзобоши ва тарихчиси Байҳақий ўз фаолияти давомида ана шундай юзлаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган, жангу жадалларни кузатган.

Абул Фазл Маҳмуд ибн Ҳусайн Байҳақий тахминан 994—996 йиллар орасида Хуросоннинг Байҳақ мавзеида амалдор хонадонида туғилган. Отаси Султон Маҳмуднинг Сиистондаги надимларидан бўлган. Унинг ўқиш ва йигитлик йилларн Нишопурда кечган. У аввал диний мактабни, сўнгра Нишопур мадрасасини тугатган, замонасидаги барча билимларни, жумладан давлат идораси ишларини пухта эгаллаган. Шунинг учун ҳам Байҳақий 25—26 ёшларид Султон Маҳмуд саройига дабирлик вазифасига, кейинчалик бош мирзолик лавозимига кўтарилган.

«Сиёсатнома» ҳамда «Қобуснома» муаллифлари дабирнинг сифати, бурчи ҳамда вазифалари ҳақида гапириб, у ўз даврида барча билимлардан тугал хабардор бўлиши, бир неча тилни, хусусан, араб, форсий тилларни мукаммал билиши, хушсухан, воиз, нотиқ, хушхат, ишбилармон, турли давлат ёлчиларини қабул қила олиданган, ўз нутқида Қуръони Карим ва Пайғамбар ҳадисларидан далиллар келтира оладиган, ҳуснихат эгаси, истаган пайтда чиройлик ғазиларни, шеър айтиб, бадиҳагўйликда бошқаларга ибрат бўла оладиган комил инсон бўлиши керак, дейишган. Байҳақий ана шундай фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ёш арбоб эди. Шунинг учун ҳам у узоқ вақт давлат котибининг бошлиғи — Мирзобошининг ўнг қўли вазифасини бажарди. Бош мирзо Абу Наср Мишкан вафотидан сўнг бу ишга Абу Сахл Завзаний тайинланади. Абул Фазл Байҳақий Мишканга яқин бўлгани учун Завзаний уни унчалик ҳуш кўрмайди. Ораларида жиддий келишмовчилик бўлишига қарамай Байҳақий Султон Масъуд ҳоҳишига кўра Завзаний билан узоқ муддат бирга ишлашга мажбур бўлади.

Лекин Султон Масъуд Салжуқийларга қарши жангларда кетма-кет мағлубиятга учрайверади. Байҳақий Муҳаммад, Мавдуд ва Фарруҳзодлар ҳукмронлиги даврида ҳам бош мирзолик лавозимида ишлайди. Бу орада саройдаги ва юқори ҳарбий лавозимлардаги фитналар натижасида бир неча йил ҳибсда ҳам ётади. «Масъуд тарихи»ни рус тилига мукаммал таржима қилган машҳур олим А. К. Арендс Байҳақийнинг тўла ижодий биографиясини яратишга интиларкан, унинг нима сабабдандир маълум вақтларда фитначиларга ён босганлигини ҳам уқтиради. Олим ва давлат арбоби Байҳақий тахминан 1076—77 йиллар орасида вафот этган.

Байҳақий беш султонлик даврида яшади ва ишлади. Ундан 11 йил Масъуд салтанати даврида бош Мирзо муовини вазифасини ўтади. Султонларнинг тахт-тож талаши, Завзаний билан доимий зиддият, Салжуқийларнинг марказий ҳокимиятни

• Меросимиздан •

қўлга киритишга интилиши — жиддий сиёсий курашлар жараёни Байҳақийнинг кескалик йилларига тўғри келди: у шахсан Беруний билан кўришган бўлиши мумкин ва унинг асарлари билан таниш бўлган.

Айрим тадқиқотчилар Байҳақийнинг илмий, ижодий мероси 30 жилддан зиёд дейдилар. Тарих фанлари доктори А. К. Арендс эса олим асарларининг олти жилдигина бизгача етиб келганини аниқлаган. «Котиблар зийнати», «Сабуктгиндан султон Иброҳимгача бўлган давр тарихи», «Тарихлар мажмуи», «Сабуктгин тарихининг сайланмаси», «Масъуд тарихи» ёки «Байҳақий тарихи» китоблари шулар жумласидандир. «Афсуски,— дейди Арендс,—бу китобларнинг кўпчилиги мўғул истилосигача бўлган бошқа илмий асарлар сингари бизгача сақланиб қолмаган. Аммо улардан баъзиларининг номи ёки парчалари Муҳаммад Авфийнинг «Жомеъ-ут таворих» (1261), Қози Минҳожи Сирожнинг «Табақоти Носирий» (1333), «Тарихи Ҳофиз Абрў» (1427), Сайфиддин Уҳалийнинг «Осор-ал-вузаро» (1430) сингари асарларда тилга олинади.

Бизга қадар Байҳақийнинг «Масъуд тарихи» китоби тўла сақланиб қолган. Бу ва бошқа асарларини ёзишда олим ўз тажрибаси ва ғаноликларидан ташқари Маҳмуд Варроқнинг бизгача етиб келмаган асарлари, Берунийнинг «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Ҳиндистон» китоблари, Ибни Муқаффа қаламига мансуб арабча таржимаси ҳамда «Қадимги Ажам шоҳлари тарихи» китобларидан фойдаланган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи турли муносабатлар билан маълумот беради ўтган. «Масъуд тарихи»ни рус тилига ўгирган шарқшунос А. К. Арендс Байҳақийнинг ижтимоий келиб чиқиши, уни вояга етказган маданий-илмий, сиёсий муҳит, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва ниҳоят ижодий мероси —асарларининг ёзилиш тарихи, санаси, унда қамраб олинган давр ҳамда воқеалар сираси, олим ижодининг ўрганилиши тарихини хийла синчковлик билан тадқиқ этган.

Маълум бўлишича, Байҳақий «Масъуд тарихи»да Султон Маҳмуднинг Отаси Сабуктгиндан бошлаб 50 йиллик воқеани қамраб олмоқчи бўлган. Лекин асарни ёзиш жараёни бир текисда кечмаган. Кейинчалик олим умрининг охирги йиллари воқеаларини ҳам айрим боб-дафтар сифатида унга қўшган. Баъзан воқеаларни ровий номидан ёки замондошлари тилидан «У менга шундай деб ҳикоя қилган эди», «Мен бу воқеа тафсилотини ундан эшитиб олдим», «Бу Али Исҳоқдан шундай эшитиб олим» сингари киритмалар билан баён этади. Муаллиф ёзганларининг тарихан тўғри ва рост эканлигини бир неча ўринда қайта-қайта таъкидлаган.

Китоб ғазнавийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келишидан таназзулигача бўлган давр ҳақида хийла пухта маълумот беради; ғазнавий ҳукмдорларининг салтанатдорлиги, уларнинг бошқа ўлкалар, вилоят ҳокимлари билан муносабатлари, жангу жадаллари, турли фармонлар, дипломатик алоқалар айнан ҳикоя қилинади, келтирилади. Ора-сира муаллиф ўзидан олдин яшаган Рудакий, Абуллайсий, Абу Дулаф, Румий ва ўша даврда ижод этган шоирлар, олимлар ҳақида маълумот беради, шеърларидан намуналар келтирилади, халқ орасида кенг тарқалган ҳикоят ва ривоятлардан фойдаланган, уларга изоҳ қилинган. Чунончи Али фожиасида Абомуслимнинг ўлдирилиши эслатилади. Бу эса китобнинг адабий-бадиий қимматини, таъсирчанлигини оширган, ўқишли қилган. «Масъуд тарихи» араб, инглиз, француз тилларига таржима қилинган; Калькутта, Лондон, Қоҳира, Теҳрон ва Тошкентда чоп этилган. У ҳақда Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, профессор Б. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон тарихи»нинг манбалари» (1992) китобида ҳам қисқача маълумот берилган.

Хуллас, Абулфазл Байҳақийнинг асарлари Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари тарихини, хусусан, ғазнавийлар сулоласи салтанатдорлиги даври воқеалари, маданий, илмий ҳаётини, халқ турмуш тарзини ўрганишда муҳим хазинадир.

«ТУШЛАРИМДА ЙИҒЛАР КЕЛИНЧАК!..»

Бўса ишқида лабимни болу шакарга қўйгамен,
Топмагайман завқини, лаб гўё заҳарга қўйгамен.

Турфа ҳид гулларни қучиб бўйинг қидиргаймен, бироқ
Аччиқ исидин жонимни такрор хатарга қўйгамен.

Нолаваш бу қалбим маним, фарёди ўртайдур, нетай,
Тунлари минг тўлғониб, оҳим осмон саҳарга қўйгамен.

Ҳар гал йўлингда интизор келгай дея сақлаб умид
Оқибат ёлғиз умидим келгус сафарга қўйгамен.

Васлингни истаб, дилбаро, кўз юмгамен тун ярмида—
Бошимни гўё тошгаю кўксим ханжарга қўйгамен...

* * *

Эй қаро кўз, кўзларингдек бахтимни қора этмагил,
Ишқимни рад айлаб, дилим сен юра-юра этмагил.

Балки сен деб, дилбарим, ушбу жаҳонда юргамен,
Сендан умидвор кўнглимни йўқ деб овора этмагил.

Менку фироқда қийналиб ўтмоққа мутлоқ розиман,
Лек тириклай ўлдириб, сен лутфинг аёғра этмагил.

Йўқ жаҳонда бегуноҳ ҳеч бандан ожиз, шубҳасиз,
Рўзи маҳшар келмай менга куймоқ ишқи этмагил.

Дилмуродо, қўйгил ғазал ишқини бир ён шу кеча,
Дилбарингг ёдидан ўзга дардингга чора этмагил!

* * *

ҚУШИК

Тушларимда йиғлар келинчак
Рўмолини босиб кўксига.
Паришон ҳол, ғам тўла юрак
Армонлардан йиғлаб ўксигай.

Тушларимда андуҳи нигоҳ —
Билан маъюс боқар бир йигит.
Етолмай ёр васлига, эвоҳ,
Аламда жон ёқар бир йигит.

Севган ёри келин бўлибди
Ўзга уйнинг остонасига.
Аҳду паймон гули сўлибди,
Сиғмабди бахт пешонасига.

Йигит андуҳ билан термулиб,
Тушларимда йиғлар келинчак,
Рази солсам йигит мен бўлай,
Сен экансан дилбар келинчак...

* * *

Дарду ғамингдин, эй жаҳон, мижғиб юракни кетгамен,
Гарчи кажрафтор эрур алқаб фалакни кетгамен.

Армонга айланди ҳавас, кўнди умид рўё бўлиб,
Жизғанак дилдан қувиб куйган тилакни кетгамен.

Қўйнимдаги тутди вафосизлиг йўлин, оҳ, энди мен—
Кўнглимдагини тошмоқ учун излаб малакни кетгамен.

Бемуродлиг бор экан ёзмишда, найлай Дилмурод,
Шу сабаб ўз ёзмишимга силтаб этакни кетгамен.

Дилмурод САИДОВ.

• Хотира •

ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙДИ

МАКТАБНИ битирдик, Севимли ўқитувчилар билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга қадам қўйдик.

Вақт шунчалар оқар сув эканда, бизга 4—9-синфларда раҳбарлик қилган севимли ўқитувчимиз Бобомурод ака Байсалбаев ҳозир орамизда йўқлар. Шафқатсиз ўлим у кишини орамиздан олиб кетди. У киши ўзига ва ўзгаларга талабчан, қатъиятқўл, лекин, ҳолигизни тушунган инсон эдилар. Бизларга: «Ҳали сизлар билан Москва, Ленинград, Киев шаҳарларига саёҳатларга борамиз. Мактабни битиришда шундай битирайлик-ки, одамлар ҳайрон қолсин», —дердилар. Лекин бизнинг мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга қадам қўйганимизни кўриш у кишига насиб этмади. Марҳум ўқитувчимизнинг қабрига бориб, ёд айладик, қуръон тиловат қилдик.

Ҳаммамиз қабристондан оғир аҳволда чиқдик. Мактабимиз маъмуриятига нашшофлар бўлинмаларидан бизга В. Байсалбоев номи берилиши ҳақида таклиф киритдик.

Сиз ҳамиша ўқувчиларингиз юрагида яшайсиз, Бобомурод ака!

Ермек АСИЛБОЕВ,
Оққўрғон райони.



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 29. VI

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатни асрайлик», «Энг тез ёрдам». Мультфильмлар.
18.30 «Ўзбекистон саноати».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.40 «Мулоҳаза». Театр муаммолари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Мулоқот». XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияси олдидан.
21.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дўстлик ришталари». Туркияда туркий халқларнинг санъат байрами.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилур».
20.55 «Лаҳза». Хабарлар.
21.05 «Эҳтиёт бўл, илон». Бадиий фильм. 1-серия.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Ширин шолғом». Мультфильм.
8.40 «Оилавий ҳаёт». Бадиий фильм.
10.00 Янгиликлар.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.35 «Жамайка». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.45 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Шелли Хиггинз» (Ямайка).
15.50 Мультфильмлар.
16.20 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.00 Янгиликлар.
17.20 «НЭП».
17.40 Футбол шарҳи.
18.05 Мультфильм.
18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Манекенчининг ўлими». Бадиий фильм (ХХР).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Спорт уик-энди».
20.35 Кўрсатувлар тартиби.
20.40 «Янги студия» таништиради: «Монтаж», «Хабарномалар», «Бомонд».
23.00 Янгиликлар.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Телестройсервис».
8.05 «Прохиндиада ёки жойда югуриш». Бадиий фильм.
9.30 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига Россия халқ артисти О. Ефремов жавоб беради.
10.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.40 Янгиликлар.
14.55 Болалар соати (немис тили дарси билан).
15.55 Педагогика ҳамма учун.
16.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.40 «Мансаб алифбоси».
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 «Сиз яратган боғ».
17.50 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетуркум.
18.00 РТР ва «Дженерал электрик» ҳамда «Бристоль-Миерс скуиб» корпорациялари «Кеннеди, Мадонна ва Америка орзуси» кўрсатувини таништиради.
18.55 Спорт хабарлари.
19.05 Мульти-пульти.
19.15 «Ҳар бир кун байрам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Кеннеди, Мадонна ва Америка орзуси» кўрсатувининг давоми.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Осуда уй». Кўрсатувни С. Шолохов олиб боради.

Сешанба, 30. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ёш ёзувчининг кундаликлари». Телевизион бадиий фильм. «Ўзбектелефильм» премьераси.
7.55 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 Спорт кинопанорамаси.
10.40 «Санъат сайёралари».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Саёҳат». Мультфильм.
18.20 «Элга хизмат —олий ҳиммат».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ғалла — ризқ-рўзимиз».
20.00 «Сулола». Инъомжон Мамадалиев.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Мерос». А. Қодирий. Ҳажвий новеллалар. 1-қисм.
22.10 «Кино. Кино. Кино...».
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Балет, балет».
19.10 «Шарқ лирикаси». Лутфий.
19.30 «Кинофестиваль олдидан».
20.15 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.30 «Алоқалар ва шартномалар».
22.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 Псковнинг меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш муаммолари ҳақида илмий-оммабоп фильм премьераси («Леннаучфильм»).
9.35 «Чойнакдаги шер боласи». Мультфильм.
9.45 Халқ куйлари.
10.00 Янгиликлар.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ольга Иванова сабоқлари».
14.35 «Жамайка». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.45 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.
16.05 «Анна». Болалар учун олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Германия, Австрия, Италия телевидениеларининг биргаликдаги маҳсулоти).
17.00 Янгиликлар.
17.20 «Қишлоқ янгиликлари».
17.50 «Чеҳрасига бир қаранг» рукни остида. «Устахонадаги монолог». Мусаввир Ю. Селиверстов ҳақида телефильм.
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «КТВ 1 ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради. «Виржининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.15 «Янгра, гармоним!».
21.45 «Вазият».
22.15 И. С. Козловский. «Турли йилларда сувратга олинган». Фильм-концерт.

*

23.00 Янгиликлар.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнмаён».
8.05 «Бир доктор бўлган экан». Бадиий фильм.
9.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.10 Янгиликлар.
15.25 «Рост» студияси. «Мусиқий синф. Гитара».
16.00 Ифодалаш санъати. «Бу ғаройиб дунё». Мусаввир Эдуард Шагеев.
16.25 «Простор».
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.35 Вариацияли мавзу. «Итальянча уй тасвиридаги лирика». 4-кўрсатув.
18.20 Криминал хабарлар.
18.35 «Уз-ўзига режиссёр».
19.05 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетуркум.
19.15 «Ҳар бир кун байрам».
19.25 Катталар учун мультфильм.
19.35 Театр сафари. «Дўст муқаддас».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.30 «Синган тақа». Бадиий фильм.
22.45 «Уз ишининг усталари». Ия Саввина.

Чоршанба, 1. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Оби шифо», «Оқ йўл, токзор». Телефильмлар.
7.55 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
9.15 Араб тили.
9.45 «Ёшдик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.15 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уйқу салтанати». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Истиқлол йўлида».
19.50 «Тилга эътибор».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги олдидан.
21.25 «Мерос». А. Қодирий. Ҳажвий новеллалар. 2-қисм.
22.35 «Қотилликда айбланадилар». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Мусиқий меҳмонхона».
20.10 «Қизиқарли учрашувлар соати».
21.10 «Эҳтиёт бўл, илон». Бадиий фильм. 2-серия.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Қизлар жилолари». Мультфильм.
10.10 «Табиат оламига саёҳат» рукни остида. «Байкал тизмаларининг сирлари». Илмий-оммабоп фильм.

*

11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.30 Москва триоси чалади.
14.50 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
16.00 «Верескова боли». Мультфильм.
16.10 «Анна». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади...
17.55 «Қанотлар, оёқлар ва думлар». Мультфильм.
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Останкино» концерт студиясида ёзувчи А. Панченко билан учрашув.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «КТВ 1 ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради. «Виржининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.20 «Қора қути».
22.00 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг ёпилиши. Танаффус пайтида — (23.00). Янгиликлар.
01.35 «Жамайка». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
8.10 «Нота бене» студияси.
8.50 «Сиз яратган боғ».
9.20 «Мансаб алифбоси».
9.35 «Рост» студияси. «Мусиқий синф. Гитара».
10.10 «Телеассамблея».
11.05 «Халфана».
11.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Янгиликлар.
15.10 Мульти-пульти.
15.25 «Болалик орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 8-серия.
15.40 «Архитектура ёдгорликларида мусиқа».
16.10 Христианлар учун кўрсатув.
16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

*

16.55 — 22.10
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРООСИЁ»
ҚЎРСАТУВЛАРИ

*

Россия телевидениеси кўрсатувларининг давоми
22.15 «Асил ҳолича».
23.15 «ЭКС» кўрсатуви.
23.25 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.

Пайшанба, 2. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Лола Оқилова рақсга тушади». Фильм-концерт.
7.55 «Телевизорни ўчиришни унутманг!». Бадиий фильм.
9.05 Турк тили.
9.35 «Ҳамкорликка кенг йўл».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Учта қурбақа». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бунёдкор».
19.50 «Учрашув». Муҳаммад Али.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида.
22.00 Мумтоз куйлардан концерт.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильмлар.
19.05 Ўзбекистон бастакорларининг романслари.
19.35 «Аудит» нимага қодир!».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.40 «Пульс». Хабарлар
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 Мультфильмлар.
10.30 Қурмонғози номли қозоқ Давлат академик халқ чолғулари оркестрининг концерти.

*

11.00 Янгиликлар.

* * *

12.35 Кўрсатувлар тартиби.
12.40 «Телемикст».
13.25 «Ён дафтар».
13.30 «Бугун ва ўша пайтларда».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Вақир-вуқур қурбақа». Мультфильм.
14.40 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
15.30 Эшитиш қобилиятини йўқотганлар ҳақида телеочерк (субтитр билан).
16.05 «Анна». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.50 «Телевизион танишув». Урмас Отт Константин Боровой билан суҳбатлашади.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «КТВ 1 ҳамда Франс

интернасиональ канали» таништиради. «Биржининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.20 «Ферматa». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.40 «Ҳалқа».
22.10 «Лимпопо».
22.40 «Вазият».
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Кальвар-шоу».

00.20 «Актёрлар гурунги». «Эртаклар нима билан тугайди!».
01.10 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
8.05 «Асил ҳолича».
9.05 «Тилла шпора».
9.35 «Оқ қарға».
10.20 «Винил чангалзорлари».
10.50 «Марҳаматингни аяма биздан, Оллоҳ».
11.20 Кундузги сеанс. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 57-серия.
12.10 Мульти-пульти.
12.20 «Ҳаёт кузи».
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 Теннис. Уимблдон турнири.
16.10 «Биринчи тайм».
16.25 «Терминал».

*

16.55 — 21.50
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

«ОВРОСИЁ»
КЎРСАТУВЛАРИ

*

Россия телевидениеси кўрсатувларининг давоми
«Василий Чекашкиннинг туриш-турмуши».
22.25 «Капитан Каталкин ва бошқалар». Александр Буйнов шоу-кўрсатуви.
23.25 Теннис. Уимблдон турнири.

Жума, 3. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ота-ўғиллар». Телефильм.
7.55 «Темир эркак». Бадиий фильм.
9.25 «Илк қадамлар».
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» оқшоми.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 Тадбиркорлар ҳузурида.
19.55 «Унутилмас удумлар».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида.
22.00 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

17.10 «Айна». Тележурнал.
18.10 «Иқтисодиёт ва ҳаёт».
18.55 «Анна пенди».
19.50 «Лакрица». Телефильм.
19.05 «Инсон ва табиат».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 Туркманистон Конституцияси ҳақида сўз.
22.55 Эълонлар.
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 Туркманистон Давлат телерадиоси Тачмамедов номли халқ чолғулари ансамблининг чиқиши.
22.20 «Гулки пурсади».
22.50 Маданият институти талабаларининг чиқиши.
23.20 Янгиликлар.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Мана қандай у— Токио». Телефильм.
9.45 Мультфильмлар.
10.30 «Сузавер, сузавер кемача...». Телевизион бадиий фильм премьераси («Экран», «Вита-ТВ» студияси).

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.10 Ҳужжатли фильмлар халқаро Москва симпозиуми ҳақида кўрсатув.
12.40 «Табиат рицарлари». Хроникал-ҳужжатли фильм.
13.10 Кўрсатувлар тартиби.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Д. Хворостовский куйлайди.
14.50 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
16.00 «Болалар мусиқий клуби». «На-на» исмли байрам.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 «Инсон ва қонун».
17.50 «Леннеберглик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.15 «Гаразли никоҳ». Мультфильм.
18.25 ТВ-Нева: «Ким биз билан!».
18.45 Санкт-Петербургда «Оқ тунлар» фестивали.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.30 Катталар учун мультфильм.
20.40 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Музобоз», «Ҳордиқ чиқаринг», «Мусиқий соат», «Матадор». Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар.
00.30 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-қисмлар.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 «Пилигрим».
9.30 «Биринчи тайм».
10.15 Россиянинг телевизион театри. «Сеҳрли узун». Рязань Давлат қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.05 Фольклор. «Энага».
11.25 Вариацияли мавзу. «Ҳамоҳанг». Россия академиясининг фестивали.
11.50 Кундузги сеанс. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 58-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 Янгиликлар.
16.10 «Простор +».
16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

*

16.55 — 21.20
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРОСИЁ»
КЎРСАТУВЛАРИ

*

Россия телевидениеси кўрсатувларининг давоми
21.20 Мульти-пульти.
21.30 «Марҳаматингни алма, биздан Оллоҳ».
22.00 Парламент хабарномаси.
22.15 Теннис. Уимблдон турнири.

Шанба, 4. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Ёз кунларининг бирида». Бадиий фильм.
9.05 «Тил — маданият кўзгуси».
9.45 «Ёднома». Гелди Бердиев.
10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учқун».
11.05 Шукур Холмирзаев. «Қора камар». А. Ҳидоятов номидаги драма театрининг спектакли.
12.35 «Мусиқий учрашувлар». Эстрада дастури.
13.25 Тижорат канали. «Эллик-қалъа пахта заводи».

* * *

18.00 «Қора қуён». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Телеспектакль.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида.
22.00 «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.05 Болалар учун фильм. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». 1-серия.
12.15 Спорт кўрсатувлари (рус тилида).
12.55 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
13.55 «Хивачасига ажрим». Фильм-концерт.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Тўс-тўполон». Мультфильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 Кооперация кунига. «Малчиларди тейлоо машакати».
19.15 Октални ноҳия матлубот жамияти бадиий ҳаваскорларининг концерти.
19.45 «Замандаштардин эскеруусу». Ёзувчи Ш. Садибакасов.
20.30 Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.30 Эрталабки гимнастика.
7.40 «Спорт ҳамма учун».
8.10 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 4-серия.
8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
8.55 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.25 «Марказ».
10.05 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф».
10.35 «Исмингиз нимани англатади!».
11.50 Тиббиёт сиз учун.
12.30 «Немислар Иккинчи жаҳон урушида». Телефильм премьераси. 4-фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.20 Болалар учун фильм. «Кўк ёй». Телевизион бадиий фильм.
15.10 «Учиб юрадиган юмронқозиқ». Мультфильм.
15.20 Рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
16.25 «Ҳайвонот оламида».
17.05 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
17.35 «Бахтли тасодиф».
18.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Юлдуз бўлиш осонми!». Бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Юлдуз бўлиш осонми!». Бадиий фильм. 2-серия.
21.35 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар.
00.30 «Бродвей тароналари» (АҚШ).

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Ретро». Майя Кристалинская.
8.00 «Москва бейсболи...». Москва университети совғини учун халқаро турнир.
8.30 «Очиқ дунё».
9.15 «Севги иқрори».
9.30 «03» кўрсатуви.

10.00 — 13.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

10.00 «Умид» (уйғур тилида).
11.00 «Калейдоскоп».
11.30 «Дўстлик экрани».
12.30 Шеърият дафтаридан.

*

13.00 «Ҳаёт кузи».
13.15 «Қандай яшаймиз?».
14.00 «Бахт кулиб боққанда». Телевикторина.
15.00 Кундузги сеанс. «Ҳаммаси чаппасига». Бадиий фильм.
16.10 Ҳужжатли панорама. «Витебск қачон Париж бўлган?».

16.25 — 22.20
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРОСИЁ»
КЎРСАТУВЛАРИ

*

Россия телевидениеси кўрсатувларининг давоми
К-2» таништиради: «Халқ фраки», «Абзац», «3, 2, 1». «Овоз». Бадиий фильм.

Якшанба, 5. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Шум бола». Бадиий фильм.
9.40 «Узанинг топар дарёлар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.25 «Ўзбекистон спорти».
11.05 «Таълим ва маданий мерос».
11.45 Р. Муҳаммаджонов. «Давлат болалари». Жиззах вилоят драма театрининг спектакли.
13.35 «Дўстлик тароналари».
14.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол».

* * *

18.00 «Леопольд исмли мушукчанинг саёҳати», «Леопольднинг автомобили». Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Табиат шайдолари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Фан» тележурнали.
19.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
21.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Телевизион миниатюралар театри». Қизиқчи Ҳожибой Тожибоев билан учрашув.
22.05 «Маҳбубам, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.00 Болалар учун фильм. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». Бадиий фильм. 2-серия.
12.05 Спорт кўрсатувлари.
13.00 «Туркмен сеси».
14.00 Скрипка куйларидан концерт.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Степа — денгизчи». Мультфильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Сен суйган обон».
19.30 «Руҳаният саҳалиги». Г. Каракол.
20.00 Кечки видеосалон.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

5.20 Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Ритмик гимнастика.

*

6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спортлото» тиражи.
7.40 «Русские самоцветы» фирмаси ҳақида ҳужжатли фильм.
8.05 Мультфильм.
8.20 «Эрта саҳарлаб».
9.05 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.35 «Тонг юлдузи».
10.25 «Пи» белгиси билан.
11.15 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Остин шаҳрида» (АҚШ).
11.50 «Киноафиша».

12.20 «Марафон-15».
13.00 «КТВ-1 ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради. «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 5-фильм.
13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фильм.

*

14.00 Янгиликлар.
14.15 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бэнг-бэнг» (Ирландия).
14.20 «Шўх мушукча». Мультфильм.
14.25 «Саёҳатчилар клуби».
15.15 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
15.55 «Бу бўлган, бўлганди...».
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Уолт Дисней таништиради...».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 «Брэйн-ринг».
Якшанба кинокўрсатуви
19.05 «Стэлла» бадиий фильми таништирилади (АҚШ).
19.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тутқич бермас август». Бадиий фильм («Ленфильм»).

*

21.00 Якунлар».
21.45 «Телелоция».
22.00 «Виват, Санкт-Петербург». Шаҳар туғилган кунга бағишланган тантаналар.

*

23.00 Янгиликлар.
23.15 Кўрсатувлар тартиби.
23.20 А. С. Пушкин. Дмитрий Журавлёв ўқийди.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Березка» ансамблининг концерти.
7.50 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати.
8.50 «Хоҳ ишонинг...».
9.20 «Афродита ороли».
10.05 «Суперкитоб». Мультфильм. 19-серия.
10.30 «Ати-бати...».

*

11.00—14.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

11.00 Тошкент учрашувлари.
11.45 «Сизни қутлаймиз!».
12.15 «Гарбга саёҳат». Видеофильм. 24-серия (уйғур тилида, ХХР маҳсулоти).
13.15 «Безнен мирас» (татар тилида).

*

14.00 «Бахт кулиб боққанда». Телевикторина.
15.00 Парламент хабарномаси.
15.15 Эълонлар.
15.20 Кундузги сеанс. «Онам эрга тегди». Бадиий фильм.
16.50 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетуркум.


*

16.55 — 23.20
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРОСИЁ»
КЎРСАТУВЛАРИ

*

Россия телевидениеси кўрсатувларининг давоми
«Рок-кафе».

«Тошкентдан гапирамиз» ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 26 июнь сонидан олинди.





РЕСПУБЛИКА санъат ўрта махсус мактаб-интернатини навбатдаги элликка яқин ўғил-қиз муваффақиятли битириб чиқди. Санъат мактаби ўттиз беш йиллик фаолияти давомида юзлаб истеъдодли рассомлар, мусиқачилар, артистларни халқимизга тайёрлаб берган. СУРАТЛАРДА: мактаб битирувчиси Марат Мирзаев ўзининг «Қадимги Хива» ранг-бўёқли диплом картинасини «аъло» баҳога ҳимоя қилди; диплом ишларини ҳимоя қилиш олдидан (ўнгда).

Суратчи: Р. ШАГАЕВ. (ЎзА).

ЁШ РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТДАГИ «Илҳом» театр-студияси чинакам нафосат даргоҳига айланган. Унинг саҳнасида спектакллар қўйилиши билан бирга турли кўнгилочар маданий тадбирлар ҳам тез-тез ўтказиб турилибди.

Мўйқалам усталари асарларидан иборат кўргазмалар театр-студияга келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда очилган бадиий экспозиция кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Бу кўргазмага уч нафар истеъдодли ёш рассом асарлари қўйилди. Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театрининг ходими умидли ижодкор И. Тугабеев чизган расмларга ҳам кўргазмадан катта ўрин ажратилган. «Ёлғиз манзара», «Аллегория», «Гуллар чиройи» деган асарлари унинг ижодий келажаги порлоқ эканлигидан далолат бериб турибди.

С. ОДИЛОВА.

• Маслаҳат

«ШАЙТОН АРАВА» МИНИНГ

Йўл бўйида икки мўйсафид ўзаро суҳбатлашиб туришарди.

— Неча ёшга кирдингиз? — дея сўради бири иккинчисидан.

Бу йил роппа-роса саксон баҳор кўрдим.

— Мутлақо ёш кўринаяпсиз. Саксонга кирганга ўхшамайсиз.

— Йўқ, ишонаверинг, сиз неча ёш берасиз?

— Назаримда эндигина олтмишдан ошганга ўхшайсиз.

— Жуда ошириб юбордингиз-ку.

— Йўқ, менга шундай туюляпти. Ёки кам меҳнат қилгансиз ёки умуман, қийинчилик кўрмагансиз.

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас.

— Бўлмаса қаримаслигингиз сири нимада?

— Сири шундаки, мен беш ёшимдан бошлаб «шайтон арава» минганман. Демак, менинг бу қулай транспортни мина бошлаганимга етмиш беш йил бўлибди. Олтмиш йил шу «шайтон арава»да далага бориб келдим. Отамнинг айтишларича, қишлоғимизда биринчи «Шайтон арава» бизнинг уйда пайдо бўлган экан. Бобом уста, ишбилармон ва таниқли тижоратчи бўлганлар. Ҳалиги «шайтон арава»ни Олмониядан олиб келган эканлар. Отам уни ўн-ўн беш йил роса минибдилар. Кейин беш-олти йил мен миндим. Ҳаётимда кўпгина «шайтон арава»ларни миндим. Шу жумладан, Хитой, Италия, Япония, Франция мамлакатларидан келтирилганларидан ҳам фойдаланганман. Энди сўраганнинг айби йўқ. Ўзингиз неча ёшга кирдингиз?

— Ўтган йили олтмишга кириб, қарилик нафақасига чиқдим.

— Мендан йигирма ёш кичик экансиз.

— Шундай бўлса-да, ишдан қолганимдан буён мазам йўқ. Баданим увишиб, зирқираб оғрийди. Димоғимдан бензин ва газ ҳиди кетмайди.

— Касб-корингиз нима?

— 44 йил ҳайдовчи бўлиб ишладим. Сизнинг ҳеч қаерингиз оғримайдими?

— Худога шукур, ҳозирча соғ-саломатман. Сув келса симирдим, тош бўлса кемирдим. «Шайтон арава»ни миниб, деҳқончилик қилдим. Касалхона юзини кўрганим йўқ. «Шайтон арава» спортнинг энг яхши ва қулай турларидан бири бўлиб, атроф-муҳитга ҳам ҳеч қандай зарари йўқ. Машиналарга ўхшаб ёнилғи ичмаса, ҳавони ифлослантирмаса, касб касаллигини юқтирмаса, дастёри беминнат бўлса. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий мамлакатларда фуқароларнинг кўпчилиги «шайтон арава» миниб юришади-да. Сиҳат-саломатликларига фойдаси борлиги учун, бошқа транспорт воситаларига нисбатан арзонроқ ва енгилроқ эканлиги учун сотиб олишади. Соғлом бўлай десангиз, «шайтон арава» — велосипед мининг!

Ҳ. ОТАҚУЛОВ.

ШАХМАТ

ОЛИМПИАДАНИНГ КУМУШ СОВРИНИ

Ўзбекистон Республикасининг терма командаси Филиппин пойтахтидаги Жаҳон шахмат олимпиадасида кумуш совринни олишга муваффақ бўлди. Командамиз 56 имкониятдан 35 очко олиб, ажойиб натижа кўрсатди. Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашган спортчиларимиз республика шахмат ҳаракати тарихида биринчи бор бундай ютуққа эришдилар.

Олимпиада медаллари учун сўнгги кунгача қаттиқ кураш борди. Шуни айтиш кифояки, якунловчи ўйинлар олдидан ўзбекистонликлар учинчи ўринни эгаллаб туришган, асосий рақиблари — Арманистон командасидан 0,5 очко орқада эдилар. Ўйинларнинг 14-даврасн ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Бу даврада ўзбекистонликлар Исроил шахматчилари билан, Арманистон командаси эса Латвия шахматчилари билан ўйнади. Республикамиздан борган тўрт шахматчи ажойиб натижа кўрсатди. Улар бу учрашувда 3:1 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Рақибларнинг омади юришмади, Арманистон спортчилари ўйинни дуранг натижа билан якунлаб, 34,5 очко тўпладилар ҳамда бир поғона пастга тушиб қолдилар.

30-жаҳон олимпиадасида Ўзбекистон командасига муваффақият келтирган спортчиларнинг номини айтиб ўтамиз. Булар халқаро гроссмейстер Валерий Логинов, халқаро мастер Григорий Серпер, спорт мастерлари Александр Ненашев, Сергей Загребельний, Михаил Салтаев, мастерликка номзод Саидали Йўлдошевлардир.

Шахматчиларимизнинг Филиппинга боришлари учун «Нур-Анвар» тижорат банки валюта берди.

(ЎзА мухбири).

• Ҳар тўғрида

ХИНДИСТОНЛИКЛАР ХИТОЙЛИКЛАРДАН КЎП БЎЛАДИ

● ШУ ЙИЛНИНГ ўрталарида курраи заминимиздаги аҳоли сони тахминан 5,5 миллиард кишига етади, 1998 йилга келиб эса 6 миллиардлик марра ни эгаллайди. Ҳар йили аҳолининг ўсиши 97 миллион кишини ташкил этади. Бундай кўпайиш, асосан, Африка, Осиё ва Лотин Америкасида туғилишнинг ортиши ҳисобига бўлади.

2025 йилга бориб, аҳоли сони жиҳатидан Ҳиндистон Хитойни иккинчи ўринга суриб, энг юқори поғонани эгаллайди. Деҳлида чиқадиган «Жаҳон аҳолиси» йилномаси тарқатган расмий хабарда шундай дейилади. Йилномани тузганлар миллий, шунингдек, халқаро миқёсда қашшоқликни таг-томири билан йўқотиш, шахснинг камол топиши учун шароитлар яратиш ҳамда атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш учун аҳолининг ортишини зудлик билан режалаштиришга даъват этадилар.

КАРЛО ОНА

● КАРЛО исмли эркак жаҳонда биринчи она бўлишга тайёргарлик кўрмоқда. Уч ойдан кейин кўзи ёрийдиган бу киши Филиппинда яшайди.

Немисларнинг «Бильд цайтунг» рўзномасининг хабар беришича, Карло 32 ёшда, ҳамшира бўлиб ишлайди. У ҳам эркак, ҳам аёлнинг жинсий органлари билан туғилган эди. Бундан 4 йил муқаддам врачлар унинг эркаклик аъзосини олиб ташладилар, ўзини эса узоқ вақт давомида гормонлар билан даволадилар. Эндиликда эса гинекологлар унинг 6 ойлик хомиласи борлигини аниқладилар. Шифокорлар, албатта, ўғил бола туғилади, деб ишонч билдирдилар. Унинг отаси 20 ўшли кичик зоҳиддир. Карло боланинг туғилишини сабрсизлик билан кутмоқда. «Менда оналик сути ҳозирданоқ пайдо бўлди», — демоқда у. Бироқ Карлога ҳомиладорлик учун таътил ва нафақа бериш мумкин эмас, чунки, Карло паспортида эркак, деб қайд этилган.

ТОҒОРАМИСАН, ТОҒОРА

● ҚОЗОҒИСТОННИНГ Державинск шаҳридаги В. Кинстлер хонадонида ўнларча йиллардан бери ивирсиб ётган тоғоранинг соф олтиндан эканлиги маълум бўлди. Унинг вазни ҳам катта — 29 килограмм. Эндиликда тоғора эгаси Қозоғистоннинг Миллий банкидан ўзига тегишли бир неча миллион сўмлик улушни олиши лозим. Рўзғорда ишлатиладиган бу қимматбаҳо буюмни ким, қачон ва қандай мақсад билан тайёрлагани ҳозирча жумбоқ бўлиб турипти.

• ЭЪЛОН •

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН

Яккасарой районидаги Қушбеги, Бошлиқ ва Ўрта Осиё Темир йўлининг 2-Вагон депоси ҳудудида ер ажратилиб, шу жамоалар томонида жоме-масжид қурилиши бошлаб юборилди.

Савоб тариқасида шу қурилишга ўз ҳиссасини қўшишни истаган мўминлар ва ташкилотлар қуйидаги ҳисоб бўйича маблағ ўтказишлари мумкин.

Тошкент шаҳар, Ҳамза райони саноат қурилиш банкидаги ҳисоб рақамимиз: 000644904, МФО 172682306.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти ва «Тошкент ҳақиқати» жамоалари кекса журналист, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Серафим Васильевич МЕЛЬНИКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида А—3 форматида босилади. ●

Буюртма — Г. 131. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12